

## **Ислом ҳуқуқи амал қилувчи давлатларда никоҳдан ажратишнинг ўзига хос хусусиятлари**

**Қиличова М.А.**

(ТДЮУ, Тошкент)

[miniraqilichova@gmail.com](mailto:miniraqilichova@gmail.com)

Бугунги кунда мамлакатимизда никоҳдан ажралиш ҳолатининг тобора кўпайиб бораётганлиги ушбу муаммони ҳар тарафлама тадқиқ қилиб ўрганишга ундиши. Давлат томонидан белгиланган, ўрнатилган қонунчилик асосида никоҳдан ажратишнинг тартиби кўпчиликка маълум хисобланади. Албатта, Ўзбекистон давлати дунёвий давлат ҳисобланганлиги боис ҳар бир вужудга келадиган муносабат қонунга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бироқ ҳалқимиз ҳаётидаги кўплаб муносабатлар муқаддас динимиз Ислом шариатига асосланган ҳолда ҳам амалга оширилади. Хусусан мавзуга алоқадор бўлган никоҳ масаласида ҳам янги турмуш қураётганлар ФХДЁ орқали никоҳни қонуний рўйхатга олдиргандан сўнг, ушбу риштани дин томонидан ҳам вужудга келганлигини тасдиқлаш учун шаръий никоҳ ҳам ўқитишиади. Шунингдек, оила бузилаётганда ҳам никоҳдан ажратиш қонун асосида ФХДЁ ёки суд органлари томонидан амалга оширилгани сингари дин томонидан ҳам ушбу риштани тутатишга ҳаракат қилинади. Биз қўйида Ислом дини шариатига асосан никоҳдан ажратишнинг ўзига хос хусусиятларини шариат қоидалари бўйича ҳамда баъзи Ислом давлатлари мисолида кўриб чиқамиз.

Маълумки, Ислом динида никоҳдан ажрашиш «Ҳалол нарсалар ичиди Аллоҳга хуш келмайдигани талоқдир»<sup>1</sup> деб хисобланади. Яъни никоҳдан ажрашиш тақиқланган амал сифатида қаралади. Аммо эр ва хотин турмушда яшай олмай қоладиган ҳолатларнинг мавжуд бўлиши никоҳдан ажрашишга сабаб бўлади. Ислом ҳуқуқида никоҳ қўйидаги ҳолатларда бекор қилинади: *томонлардан бири вафот этса, талоқ оқибатида, хулувъ ва тафриқ орқали, ийло, зихор, мулоъана натижасида*<sup>2</sup>.

Томонлардан бирининг вафот этиши оқибатида никоҳнинг бекор бўлиши тушунарли ҳолатдир. Ушбу асос Ўзбекистон қонунчилиги бўйича ҳам никоҳнинг тутатилишига асос бўлади.

Талоқ масаласига тўхталашиб бўлсак, «Талоқ» сўзи луғатда «моддий ва маънавий тугунни ечиш» маъносини англатади. Шаръий истилоҳда эса маҳсус лафз или никоҳни кетказиш ёки унинг ҳалоллигини нуқсонга учратиш «талоқ» дейилади. «Маҳсус лафз»дан мурод «талоқ» ёки унинг маъносини англатувчи лафзлардир. «Никоҳни кетказиш» эса никоҳ ақдини ечиб, орадаги маънавий боғланишни йўқотиш деганидир. Бу ҳолат «уч талоқ» или юзага келиб, ундан сўнг талоқ қилинган аёл ўзини талоқ қилган шахсга ҳалол бўлмай қолади.

Ислом ҳуқуқига асосан талоқ қилиш фақат эркак кишига берилган, сабаби аёл кишининг табиати эркак кишига қаранда шошқалоқ, ҳиссиётга берилувчан бўлганлиги сабабли ҳам талоқ қилиш ҳуқуқи эркакка берилган. Бунда талоқ фақат мукаллаф эрдан воқе бўлади. Гарчи у маст ёки қул бўлса ҳам. Унинг ҳожасидан ва уйқудаги кишидан воқе бўлмайди. Демак, талоқ воқе бўлиши учун у оқил ва балоғатга етган эр томонидан қилинган бўлиши керак. Талоқ қилувчи эрнинг қул ёки хур бўлишида фарқ йўқ<sup>3</sup>.

Талоқ ва унинг турлари. Талоқ ҳуқуқий оқибатларига кўра боин ва ражъий талоқка, боин талоқ ҳам кичик ва катта боин талоқка бўлинади. Ражъий – қайта ярашиш мумкин бўладиган талоқ бўлиб, биринчи ёки иккинчи маротаба бўлса, эр идда тугамасидан туриб ҳар қандай сўз ёки иш-ҳаракат билан никоҳсиз, маҳрсиз аёлни ўз ихтиёрига қайтариб олиши мумкин. Кичик боин – эр аёлга яқинлик қилмай талоқ қилса ёки киноя сўзлар билан ажрашса ёки ражъий талоқ қилиб, идда ичиди қайтариб олмаса, бунда янги никоҳ ақди ва маҳр билан қайтариб олиш мумкин. Катта боин – уч талоқдан иборат бўлиб,

<sup>1</sup>Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Т.: «Ҳилол-Нашр», 2016. – Б. 445.

<sup>2</sup> Yusupova, Nigora (2019) "THE ORDER AND CONSEQUENCE OF DISSOLUTION OF MARRIAGE IN THE NORMS OF ISLAMIC LAW," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 7.

<sup>3</sup> Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Т.: «Ҳилол-Нашр», 2018. – Б. 465, 469-бет.

ундан сўнг эр-хотин умуман яшashi мумкин эмас, фақат аёл бошқа эрга тегиб, ажрашса ё эри ўлса, биринчи эри билан никоҳланса бўлади.

Хулуъ ва тафриқ. «Хулуъ» сўзи лугатда «кийимни ечиш» маъносида кўпроқ ишлатилади. Шариатда эса, хотин кишининг бирон моддий нарса бериб, эри билан ажрашишига «хулуъ» дейилади. Демак, хулуъ – бу аёл ташаббуси билан ўзаро келишиув асосида никоҳни бекор қилишидир. Унинг талоқдан фарқи шундаки, никоҳ томонларнинг ўзаро хоҳиши асосида тутатилади. Ушбу шартноманинг асосий шарти шундаки, эр хотиндан унга берган маҳрини қайтариб олади ёки хотин эрига моддий мукофот беради<sup>4</sup>.

Тафриқка асосан ҳам Ислом дини аёлга никоҳдан ажрашиш ҳуқуқини беради. Бироқ бу учун маълум сабаблар мавжуд бўлиши керак. Булар куйидагилардир:

Эрнинг дом-дараксиз йўқолиши;

Эрнинг аёлинни моддий томондан таъминлай олмаслиги;

Эрнинг ўз оила мажбуриятларини бажара олмаслиги;

Никоҳ тузилгандан сўнг эрнинг бирон-бир камчилиги аниқланса, масалан, соғлиғи билан боғлиқ бўлган ва у буни никоҳгачам яширган бўлса.

Юқоридаги ҳолатлар мавжуд бўлганда аёл никоҳдан ажратишни сирраб судга мурожаат қилиши мумкин бўлади<sup>5</sup>.

«Ийло» эр кишининг ўз хотинига яқинлик қиласликка қасам ичишидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қиласди: Хотинларидан ийло қилганлар учун кутиш тўрт ойдир. Агар қайтсалар, бас, албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир. Ва агар талоқни қасд қилсалар, бас, албатта, Аллоҳ ўта эшитувчиидир, ўта билувчиидир. (*Бақара сураси, 226-227 оятлар*).

Исломдан аввалги жоҳилият даврида одамлар хотинидан аччиғи чиқса ёки уни жазоламоқчи бўлса, ийло қилиб, унга жинсий яқинлик қиласликка қасам ичиб қўяр экан. Шу билан бир-икки йил ёки ундан ҳам кўпроқ бепарво юраверар, аёл бечора азобда қолар экан. Хотин бўлиб, хотин эмас ёки боши очиқ ҳам эмас. Бу иш, албатта, аёл учун руҳий, маънавий ва асабий тарафдан азобдир. Бу унинг аёллик хурматини оёқости қилиш, эр-хотинлик ҳаётини бузиш, оилани парчалашдан иборатдир.

Шу билан бирга, бунда баъзи бир нотўғри ҳолатларни тўғрилашга, ҳар ким ўзини-ўзи синааб олишига фурсат ҳам бор. Шунинг учун ҳам Исломда ийлони бутунлай бекор қиласдан, балки маълум доирада чегаралаб қўйилган. Бунда ҳам эркакнинг, ҳам аёлнинг ҳақ-ҳукуқлари эътиборга олинган:

«Хотинларидан ийло қилганлар учун кутиш тўрт ойдир».

Шу билан эркакларнинг қасам туфайли аёлига яқинлик қилмай юришининг энг узун муддати чегараланди. Бу муддат тўрт ойдир. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, қасам ичмасдан, бошқа узрли сабабларга кўра яқинлик содир бўлмаса, бу ҳукмга кирмайди.

Ийлонинг узоқ вақти айнан тўрт ой бўлишининг ҳикмати шуки, аёл киши эрсиз шу муддатга сабр қила олади. Бундан ўтиб кетса, чидай олмаслик эҳтимоли бор.

Тўрт ой ичida эр ҳам ўйлайдиганини ўйлаб, бир қарорга келиб олган бўлади. Кейин бу масалани бир ёқлик қилса бўлади.

«Агар қайтсалар, бас, албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир».

Яъни эрлар хотинларига қайтиб, оилавий ҳаётларини давом эттириб кетсалар, Аллоҳ мағфиратли Зот, олдинги ўтган хатоларни кечиради ва раҳмли Зот раҳм қилиб, қайтишига рухсат беради.

«Ва агар талоқни қасд қилсалар, бас, албатта, Аллоҳ ўта эшитувчиидир, ўта билувчиидир».

Яъни тўрт ой ўтгандан кейин агар қайтишни эмас, талоқни ирова қилсалар, Аллоҳ эшитиб, билиб турибди, «ийло»си талоқка айланади. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг мазҳаблари бўйича, тўрт ой ўтиши билан ражъий талоқ тушади. Эр талоқ қилиши шарт эмас<sup>6</sup>.

Зихор йўли билан никоҳни бекор қилиш. «Зихор» сўзи «зоҳр» сўзининг ўзагидан олинган бўлиб, инсоннинг орқа бел томонини билдиради. Шариатда эса, эрнинг ўз хотинига «сен мен учун онамнинг орқа бел томони кабисан» – дейишига айтилади. Бу тўғрироғи, хотиним онам каби ҳаром бўлсин, деган

<sup>4</sup> Yusupova, Nigora (2019) "THE ORDER AND CONSEQUENCE OF DISSOLUTION OF MARRIAGE IN THE NORMS OF ISLAMIC LAW," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 7.

<sup>5</sup> <https://medinaschool.org/library/semya/semejnaya-zhizn/razvod-v-islame>

<sup>6</sup> <https://islom.uz/maqola/13295>

маънони англатади. Уламоларнинг таъкидлашича, «зиҳор» фақат арабларга хос одат бўлиб, бошқа халқларда бу одат йўқ экан. Ушбу одатлар кишилар бидъат ва хурофтга берилиши оқибатида уларнинг ақллари ҳам тубанлашиб қолишини кўрсатади. Чунки ақли-хуши жойида бўлган одам ҳеч қачон бир оғиз сўз билан хотини онасиға айланиб қолишини қабул қила олмайди. Бу ҳолатда ҳам агар эр ичган қасамида турмаса, унга қасам каффорати вожиб бўлади.

Мулоъана йўли билан никоҳни бекор қилиш. «Лиъон» (мулоъана) сўзи «лаънатлашиш» маъносини англатади. Шариатда эса, хотинини зинода айблаб, гувоҳ келтира олмаган вояга етган ақли расо эрнинг ва зинони рад этган хотиннинг қози олдида бир-бирларини лаънатлашларига айтилади. «Ўз жуфтларига (бўхтон) тоши отиб, фақат ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаганлар эса, бас, улардан ҳар бирининг гувоҳлиги Аллоҳнинг номи или тўрт марта, албатта, у ростгўйлардан эканлиги ҳакида шоҳидлик беришдир». «Бешинчисида эса, агар ёлғончилардан бўлса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлишини (айтишдир)». «Ва у (аёл)дан азобни қайтарадиган нарса Аллоҳнинг номи или тўрт марта, албатта, у (эр) ёлғончилардандир, деб шоҳидлик беришидир». «Бешинчисида эса, агар у (эр) ростгўйлардан бўлса, ўзи (аёл)га Аллоҳнинг ғазаби бўлишини (айтишдир)» («Нур» сураси, 6–9-оятлар). Демак, эр хотинини зинокорликда айлагандан айбни тўрт кишининг гувоҳлиги билан исботлаши лозим бўлади. Эр гувоҳлари бўлмаган ҳолда ўз хотинини зинода айборд эканлигини исботлаш учун қози ҳузурида «Нур» сурасининг 6–7-оятига кўра Аллоҳ номи билан тўрт марта қасам ичиб, агар хотинига тухмат қилаётган бўлса, Аллоҳнинг лаънатига учрашини айтиб, бешинчи қасамни ичиши лозим. Хотин эри ҳақ эканлигини тан олмаса эрнинг даъвосини инкор қилиб худди шу тарзда у ҳам қасам ичади («Нур» сураси 8–9-оятлар). Бу ҳолат никоҳни тугатиш учун асос бўлади. Қози эр билан хотинни ажратиш ҳакида қарор қабул қиласи. Ушбу ҳолда талоқи боин бўлади. Агар эр хотинига тухмат қилаётганлиги аниқланса ўзининг ёлғон сўзлаганига икror бўлмагунча қамоқда сақланади. У ёлғон гапирганига икror бўлса хотинга нисбатан қилинган даъво рад этилиб, унинг пок эканлиги тасдиқланади. Агар хотинига зинокорликни тухмат қилганини ўз ихтиёри билан бўйнига олса унга саксон дарра урилади. Шундан сўнг эр-хотинлик муносабатлари тикланиши мумкин. Никоҳни ҳар қандай йўл билан бекор қилишда шариат аёлларни ҳимоя қилиб, уларнинг обўсини, уларга бўлган ҳурматни сақлаб қолишини тавсия этади. Ислом ҳуқуқи «чиroyli суратда ажралиш» ни, яъни эр-хотин бир-бирини беҳурмат қilmай, хусусан, аёлни бошқалар назарида қора қilmай, унга кейин бошқалар талабгор бўлишини назардан қочирмасдан, унга никоҳ сабабли берилган маҳрдан олиб қолмай ажралишни буюради<sup>7</sup>.

Юқорида ислом ҳуқуқида никоҳдан ажратишнинг асосларини, сабабларини, тартибини кўриб чиқдик. Куйида баъзи ислом давлатларида никоҳдан ажратишнинг қандай амалга оширилишини кўриб чиқамиз.

Эрон Ислом Республикаси мусулмон давлати ҳисобланиб, бу ерда барча ҳуқуқий масалалар шариатга асосланган ҳолда амал қиласи. Том маънода шариат тўғри йўл, ҳаракат йўналиши деган маъноларни англатади, шариатнинг барча қоидалари Қуръони Каримга, суннатга асосланган бўлиб, мусулмонлар хаётининг барча томонларини тартибга солади, бундан, албатта, оила муносабатлари ҳам истисно ҳисобланмайди.

Эрон Ислом Республикасида мусулмонларнинг катта қисми шиа йўналишидадир. Шу сабабли оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш муайян хусусиятлар билан тартибга солинади.

Эронда никоҳнинг вақтинчалик ва доимий турлари мавжуд. Вақтинчалик никоҳ иккала тарафнинг ҳам розилиги асосида, келинга маҳр (турмушга чиқаётганлиги учун моддий совфа) берган ҳолда тузилади. Ушбу никоҳ муайян муддатга ёки муддатсиз ҳам тузилиши мумкин. вақтинчалик никоҳ куёвнинг моддий ҳолати яхши бўлмагандан тузилади ҳамда тарафларнинг розилиигига асосан узайтирилиши ҳам мумкин. вақтинчалик никоҳнинг сони чекланмаган ҳисобланади ва мусулмон бўллар билан ҳам тузилиши мумкин.

Домий никоҳ мусулмон эркак ва аёлнинг розилиигига асосланган ҳолда иккита гувоҳ иштироқида тузилади. Гувоҳ сифатида фақат эркаклар қатнашиши мумкин. Никоҳ мулла ёрдамида тузилиб,

<sup>7</sup> Yusupova, Nigora (2019) "THE ORDER AND CONSEQUENCE OF DISSOLUTION OF MARRIAGE IN THE NORMS OF ISLAMIC LAW," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 7

нотариус томонидан расмийлаштирилади. Никоҳ тантаниаси уйда ёки ресторонда бўлиб ўтади. Ислом никоҳ тузиш жараёнини соддалаштиришга, ортиқча харажат ва чиқим қилишни чеашга ҳаракат қиласди. Шунингдек, никоҳ тузиш жараённида тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи никоҳ шартномаси ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ шартномасига нисбатан қўйиладиган асосий талаб шуки, у шариат нормаларига зид келмаслиги лозим.

Никоҳдан ажратишга тўхталаудиган бўлсак, никоҳдан ажратишга ариза бериш хуқуқига эркак ва аёл ҳам эгадир. Лекин сабабсиз никоҳдан ажратишга фақат эр эгадир, Аёл фақат баъзи ҳолларда никоҳдан ажратишни сўрашга ҳақли ҳисобланади. Никоҳни тузиш жараённида аёл ўзи учун никоҳдан ажратишнинг баъзи шартларини талаб қилиши мумкин, кейин у ушбу белгиланган никоҳдан ажратиш сабабларига асосланган ҳолда никоҳдан ажрашишни талаб қилиши мумкин. Агар аёл никоҳ тузаттган пайтида никоҳдан ажратишнинг баъзи шартларини талаб қилмаган бўлса, уни ислом судлари химоя қиласди<sup>8</sup>.

Куръони Каримда аёлнинг хоҳишига кўра никоҳдан ажрашиш мумкинлиги Бақара сурасининг 229-оятига кўрсатилган бўлиб, бу асос юкорида муҳокама қилганимиз ҳулуъ ҳисобланади. *Бу аёл ташаббуси билан ўзаро келишув асосида никоҳни бекор қилишидир.* Унинг талоқдан фарқи шундаки, никоҳ томонларнинг ўзаро хоҳиши асосида тутатилади. Ушбу шартноманинг асосий шарти шундаки, эр хотиндан унга берган маҳрини қайтариб олади ёки хотин эрига моддий мукофот беради. Бу, албатта, эр ва хотинни ушлаб турган маҳр ва бошқа эрнинг мулкий мажбуриятларидан воз кечиш орқали аёл никоҳни бекор қилишга тайёрлигини кўрсатади.

Хулоса қиладиган бўлсак, Эрон Ислом Республикасида никоҳдан ажратиш масалалари шариатга асосланган ҳолда, шунингдек, Ислом динининг шия йўналишига оид баъзи қоидалари билан тартиба солинади.

Навбатдаги давлат Саудия Арабистонида никоҳдан ажратишнинг тартибини таҳлил қиладиган бўлсак, маълумки, Саудия Арабистони аҳолисининг катта қисмини араблар ташкил қиласди. Қадимдан араб халқининг оила ва никоҳ муносабатларининг асоси Куръони Карим ва шариатга асосланади. Айнан дин кўп жиҳатдан ушбу маданиятнинг шаклланишига асос бўлган. Статистик маълумотларга кўра йил бўйи мусулмон мамлакатларига қараганда европа давлатларида никоҳдан ажрашиш ҳолати кўп содир бўлади. Бу ҳолат дин, менталитет, ҳатто никоҳдан ажратиш тартибини белгиловчи ҳужжат оила кодекси туфайлидир.

Мусулмон оиласи ўз йўлида патриархаллик принципига асосланади. Буни эркаклар ва аёлларнинг турли хил функцияларни бажаришида кўришимиз мумкин. Буларнинг барчаси никоҳдан ажрашишга асос бўлувчи талоқ (ажрашиш) процедурасида намоён бўлади<sup>9</sup>.

Эркак киши ўзбошимчалик билан никоҳни бекор қила олмайди. Бунинг учун қоидалар рўйхати мавжуд бўлиб, уларга риоя қилмаслик аёлнинг эрининг қарорига эътиroz билдиришга асос бўлади. Никоҳдан ажрашишдан олдин Аллоҳ таоло эркак ва аёлга иккаласи тарафидан ҳам судя, яъни қози тайинлашни фарз қиласди, бундан мақсад уларнинг суд жараённида ярашиб кетишини таъминлаш ҳисобланади. Агар ярашиб содир бўлмаса, эркак ҳам, аёл ҳам Қуръони Каримга асосан ажрашиш хуқуқига эга бўладилар<sup>10</sup>.

Агар никоҳдан ажрашишнинг сабаби аёл кишининг эрига, унинг ота-онаси ва қариндошларига ахлоқсиз ҳатта-харакатлари оқибатида, шунингдек, аёлнинг бошқа эркаклар билан жинсий яқинлик қилиши оқибатида содир бўлган бўлса, бундай ҳолатда оилавий муносабатларни сақлаб қолишнинг имконияти мавжуд бўлмайди. Бундан ташқари эр томонидан бирон жиддий сабабсиз ажрашиш (талоқ) сўзининг айтилиши ҳам оиланинг бузилишига олиб келади. Бундай ҳолатда эркак кишида аёлга маҳрини охиригача тўлаш ҳамда кейинги уч ой давомида аёлни моддий таъминлаб туриш мажбурияти юкланди. Бунга кўп муҳокама қилинадиган «Саудия Арабистонида эркак тўйда аёлни кўриб ажрашишга қарор қилди» ҳолати мисол бўла олади.

<sup>8</sup> Халбаева, Т. Н. Заключение и расторжение брака в исламской Республике Иран / Т. Н. Халбаева, Л. А. Шидова // Аллея науки. – 2017. – Т. 1. – № 15. – С. 553-556. – EDN TAUBMR.

<sup>9</sup> Исламский образовательный портал. <http://darulfikr.ru/articles/fikh/talak-razvod/> (25.11.2018).

<sup>10</sup> Коран / пер. И. Ю. Крачковского. – М., 2000. Суря «Развод», аят65.

Оилавий ҳаёт эр томонидан аёл пок бўлган ҳолатда ҳам тугатилиши мумкин, бунда фақат яқин муносабатлар содир бўлмаган бўлиши керак. Булар Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) томонидан имом Бухорий ҳадисларида айтиб ўтилган<sup>11</sup>.

Ниҳоҳнинг аёл ташаббуси билан бекор қилинишига хулуъ дейилади. Хулуниңг нима эканлигини юқорида кўриб чиқсан эдик. Шунингдек, Саудия Арабистонида ҳам эркак томонидан талоқнинг ишлатилиши ҳам никоҳдан ажрашиш учун асос ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, никоҳдан ажрашиш жараённида аёлни барча керакли нарсалар билан (озик-овқат, уй-жой, кийим) таъминллаш эрнинг зиммасида бўлади. Эркак кишининг собиқ хотинидан бўлган боласи беш-етти ёшга етгунича она билан қолади, сўнгра болани ота ўз қарамоғига олиши керак бўлади<sup>12</sup>.

Юқоридагилардан хulosса қилиш мумкинки, ислом ҳуқуқида никоҳдан ажратишнинг барча асослари, тартиби, аввалимбор, Қуръони Каримга ҳамда шариат аҳкомларига таянади. Дунёвий давлатларнинг оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солувчи қонунчилиги бир-биридан кўп жиҳатлари билан фарқ қиласди. Ислом ҳуқуқи амал қилувчи давлатларда оила ва никоҳ қонунчилигининг бир-биридан деярли фарқ қилмаслигини кўриб чиқдик. Бугунги кунда мамлакатимизда никоҳ масалаларида Ислом ҳуқуқидан оладиган муҳим жиҳатимиз шу бўладики, бу ёшлар орасида никоҳ бузилишига дин томонидан сабаб ҳисобланувчи талоқ масаласини тушунтиришdir. Сабаби бугунги кунда оиласда эркаклар томонидан аёлига нисбатан талоқ сўзининг тушуниб-тушунмай ишлатилиши оиласнинг бузилишига олиб келмоқда. Шу сабабли ёшларга никоҳ куришдан олдин ФХДЁ бўлимлари қошида ташкил қилинган оиласа тайёрловчи «Ёш оила қурувчилар мактаби»да ёшларга оиласнинг диний асослари бўйича ҳам сабоқ бериш муҳим ҳисобланади.

**REFERENCES:**

1. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Баҳтиёр оила. – Т.: «Ҳилол-Нашр», 2018. – 528 б.
2. Yusupova, Nigora (2019) "THE ORDER AND CONSEQUENCE OF DISSOLUTION OF MARRIAGE IN THE NORMS OF ISLAMIC LAW," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 7.
3. Халбаева, Т. Н. Заключение и расторжение брака в исламской Республике Иран / Т. Н. Халбаева, Л. А. Шидова // Аллея науки. – 2017. – Т. 1. – № 15. – С. 553-556. – EDN TAUBMR.
4. Сарксян Л. Д. РАЗВОД В САУДОВСКОЙ АРАВИИ //Аллея науки. – 2018. – Т. 5. – №. 10. – С. 85-8
5. Аз-Зухайли В. Ат-тафсир аль-мунир. Т. 14. С. 671, 675, 677
6. Коран / пер. И. Ю. Крачковского. – М., 2000. Сура «Развод», аят65.
7. Исламский образовательный портал. <http://darulfikr.ru/articles/fikh/talak-razvod/> (25.11.2018).
8. <https://islom.uz/maqola/13295>
9. <https://medinaschool.org/library/semya/semejnaya-zhizn/razvod-v-islame>

<sup>11</sup> Сарксян Л. Д. РАЗВОД В САУДОВСКОЙ АРАВИИ //Аллея науки. – 2018. – Т. 5. – №. 10. – С. 85-8

<sup>12</sup> Аз-Зухайли В. Ат-тафсир аль-мунир. Т. 14. С. 671, 675, 677